

## ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ МАҲАЛЛА ҲУҚУҚ- ТАРТИБОТ МАСКАНИДА КРИМИНОГЕН ВАЗИЯТНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШНИНГ АҲАМИЯТИ

*Дадажонов Пулатжон Дониёржон ўғли  
Ўзбекистон Республикаси ИИБ  
Академияси 3-ўқув курси курсанти*

### АНОТАЦИЯ

Ушбу мақола орқали муаллиф жиноятчиликка қарши курашишда ва ҳуқуқбузарликларни барвақт профилактика қилишда проофилактика инспекторининг маҳалла-ҳуқуқ тартибот масканида криминоген вазиятни таҳлил қилиш аҳамиятини, маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканини яратилиш асоси ва унинг истиқболларини, криминоген вазият тушунчасини ва унинг илмий таҳлилини ёритиб ўтган.

**Калит сўзлар:** *ҳуқуқбузарлик, ҳуқуқий маданият, криминоген вазият, ахборот таҳлил, жиноятчиликни жиловлаш, латент жиноят.*

### АНОТАЦИЯ

Посредством данной статьи автор осветил деятельность профилактического инспектора участкового правоохранительного пункта в сфере борьбы с преступностью и раннего предупреждения правонарушений, основы создания участкового правоохранительного пункта и его перспективы, концепцию криминогенная ситуация и ее научный анализ.

**Ключевые слова:** *преступность, правовая культура, криминогенная обстановка, информационный анализ, борьба с преступностью, латентная преступность.*

### ANNOTATION

Through this article, the author highlighted the activities of the prophylactic inspector in the neighborhood law enforcement center in the fight against crime and the early prevention of violations, the basis for the creation of the neighborhood law enforcement center and its prospects, the concept of the criminogenic situation and its scientific analysis.

**Key words:** *crime, legal culture, criminogenic situation, information analysis, crime control, latent crime*

Ҳудудларда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш фаолиятининг самарадорлигини ошириш чоралари белгиланмоқда. Хусусан, криминоген вазият ҳақидаги маълумотларни маҳаллалар кесимида таҳлил қилиш электрон

тизими яратилиб, ҳудудларни автоматик равишда “яшил”, “сарик” ва “қизил” тоифаларга ажратиш тартиби жорий этилмоқда.

Ҳудуддаги секторлар раҳбарларининг жиноятларга қарши курашиш борасидаги фаолиятини ташкил этиш механизмлари белгилаб берилмоқда. Унга кўра, сектор раҳбарлари “яшил” тоифадаги маҳаллаларда амалга оширилган ишларни бевосита ўрганиб чиқиши ҳамда ижобий иш услублари, амалга оширган тадбирларни секторнинг “сарик” ва “қизил” тоифадаги маҳаллаларида оммалаштириш чораларини кўриши белгиланмоқда. Бунда, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган шахслар билан олиб борилаётган ишлар, аҳолининг бандлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш тадбирларининг самарали ташкил этилганлигига эътибор қаратилади.

Энди, вилоят марказлари, Нукус ва Тошкент шаҳрида оммавий тадбирлар ҳамда истироҳат боғлари, хиёбон ва бозорларда жамоат тартибини сақлашни ташкил этиш Миллий гвардия бўлинмалари зиммасига юклатилмоқда.

Жамоат тартибини сақлаш соҳасида содир этиладиган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати ички ишлар органлари билан бир қаторда Миллий гвардияга берилиши бўйича қонун лойиҳаси тайёрланиб, белгиланган тартибда киритилади.<sup>1</sup>

Жиноятчиликка нисбатан муросасизлик маданиятини шакллантириш, ҳуқуқий нигилизмга барҳам бериш ва фуқароларнинг қонунга итоаткорлик ҳулқ-атворини оммалаштиришга қаратилган, шу жумладан ички ишлар органлари таянч пунктлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат идоралари ва ташкилотларида «очик эшиклар куни»ни ташкил этиш орқали тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш каби тадбирлар амалга оширилмоқда<sup>2</sup>.

23.06.2022-йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 343-сон “Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида” ги қарори билан маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари ташкил этилган.

Мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиб, ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда ижобий натижаларга ҳамда криминоген вазиятни сезиларли даражада яхшилашга эришилмоқда.

Бунда, ички ишлар органларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигини, қишлоқлар, овулла ва маҳаллаларда жамоат тартиби сақланишини, фуқаролар

<sup>1</sup> Маҳаллалар криминоген вазият бўйича «яшил», «сарик» ва «қизил» тоифага ажратилади мақола электрон манбаа кун.уз сайти <https://kun.uz/uz/77563971?q=%2Fuz%2F77563971>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-2833-сон Қарори.

хавфсизлигини, жиноятчиликка қарши курашишни бевосита таъминлайдиган профилактика инспекторларининг ўрни катта.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг яхлит тизимини шакллантириш, ички ишлар органларининг энг қуйи бўғинидан республика даражасигача самарали фаолиятни ёлға қўйиш ва замонавий иш услубларини жорий этиш орқали мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш устувор аҳамият касб этади.

2021-йил 26-мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чоратадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Мазкур Фармонда ички ишлар органларининг таянч пунктлари негизда маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари ташкил этилиши белгиланди. Таъкидлаш жоизки, маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани ҳудуддаги жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг асосий қуйи бўғини ҳисобланади.

Маскан негизда ҳудуддаги ички ишлар органларининг тегишли соҳавий хизматлари ҳамда Миллий гвардия ва бошқа давлат органларининг мувофиқлаштирилган фаолияти ташкил этилади. Шунингдек, маскан томонидан жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш ишларини тизимли ташкил этиш ва мувофиқлаштириш вазифаси профилактика инспекторига юкланди.

Махсус адабиётларда жиноятга имконият яратувчи криминоген вазиятлар фарқланади. Улар жиноят содир этишни энгиллаштирувчи ҳолатларни (ҳисоб юритишдаги номукамаллик, қўриқлашнинг яхши йўлга қўйилмаганлиги ва ҳк.) ўз ичига олади. Муайян ҳаётий вазият таркибий жиҳатдан жиноят содир этиш жойи, вақти, иқлим шароити каби омиллардан ташкил топади. Масалан, баъзи бир маълумотларга қараганда, жиноятларнинг 65%га яқини шаҳарларда, 30-35% қишлоқда, 27% - жамоат жойларида содир этилади. Фасл омили нуқтаи назаридан, энг кўп жиноят август ойида содир этилади, ушбу кўрсаткич бўйича энг қуйи нуқта эса декабр ойига тўғри келади. Баҳор-ёз ойларида бу турдаги жиноятларнинг 60% га яқини содир этилади. Кундузи барча кассавурликларнинг 60% га яқини, квартира ўғриликларининг эса 40% содир этилади. Шахслар муайян тоифасининг вакиллари жиноятдан жабрланиш эҳтимоли содир этилаётган жиноят турига қараб ҳар хил бўлади. Масалан, безориликдан жабрланувчи шахс номусга тегишдан жабрланувчиларга қараганда кўпроқ даражада тасодифий бўлади. Айни вақтда, фирибгарликдан жабрланувчилар номусга тегишдан жабрланувчиларга қараганда камроқ даражада тасодифийдир. Тасодифийлик омили жиноят содир этиш усулига, жиноятчининг профессионал тайёргарлигига ва бошқа ҳолатларга қараб намоён бўлади.

Жиноятчилар жабрланувчини танлашда ҳар хил белгиларга, чунончи: кўп миқдорда моддий бойликларнинг мавжудлигига; бўлажак жабрланувчининг ташқи кўринишига (номусга тегишда аёлнинг «чиройлилиги, жиноятга туртки берувчи халқ-атвори; фирибгарликда шахснинг «соддалиги ва ҳк.); ёшига, ҳаёт

тажрибасига; қизиқишларига; феъл-атворининг ўзига хос хусусиятларига (ичкиликка ружу қўйганлик, ишонувчанлик ва ҳк.) қараб мўлжал олади.

Жиноятчининг жабрланувчини танлаши виктимликни белгиловчи муҳим омилдир. Лекин бу мазкур ҳодисанинг бирдан-бир омили эмас. Бошқа бир ҳолат жабрланувчининг хулқ-атвори ҳам виктимликни аниқлашда муҳим аҳамиятга эга. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, жабрланувчининг жиноят содир этилишидан олдинги, жиноят содир этиш вақтидаги ва жиноят содир этилганидан кейинги хулқ-атворини фарқлаш лозим. Жабрланувчининг жиноят содир этилишидан олдинги хулқ-атвори жиноят содир этишга туртки берувчи (шахс ўз ҳаракатлари билан криминоген вазиятни юзага келтиради. Фаол (шахс бевосита криминоген вазиятни юзага келтирмайди, лекин ўз ҳаракатлари билан унинг юзага келишига жиддий таъсир кўрсатади) пассив (криминоген вазиятнинг юзага келишида шахс жиддий ёки умуман ҳеч қандай рол ўйнамайди) бўлиши мумкин. Жиноят содир этиш вақтида жабрланувчининг ҳаракатларидан келиб чиқиб шахснинг ҳуқуқбузар кўзлаган жиноий ниятини рўёбга чиқаришига имконият яратадиган хулқ-атворини, жабрланувчининг жиноятчига жиноий натижага эришиш имкониятини энгиллаштирувчи элементларсиз хулқ-атворини (унейтрал” хулқ-атвори). ғайриҳуқуқий хулқ-атвор амалга ошишига муайян даражада тўсқинлик қилувчи хулқ-атвори фарқлаш мумкин.

Жабрланувчининг хулқ-атвори тааллуқли бўлган қандай ҳолатларни жиноят содир этишга туртки берувчи ёки имконият яратувчи ҳолатларга киритиш мумкин.<sup>3</sup>

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Маҳаллалар криминоген вазият бўйича «яшил», «сарик» ва «қизил» тоифага ажратилади мақола электрон манбаа кун.уз сайти <https://kun.uz/uz/77563971?q=%2Fuz%2F77563971>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2833-сон Қарори.
3. Криминология дарслик “Адолат” 2007 йил Қ.Р.Абдурасулова ТДЮУ 81-бет электрон манбаа [https://drive.google.com/file/d/13uaXlhGerRm07w-lv5\\_3k2LnMmMqAv80/view](https://drive.google.com/file/d/13uaXlhGerRm07w-lv5_3k2LnMmMqAv80/view)

<sup>3</sup> Криминология дарслик “Адолат” 2007 йил Қ.Р.Абдурасулова ТДЮУ 81-бет электрон манбаа [https://drive.google.com/file/d/13uaXlhGerRm07w-lv5\\_3k2LnMmMqAv80/view](https://drive.google.com/file/d/13uaXlhGerRm07w-lv5_3k2LnMmMqAv80/view)